

"ҲОКИМ ВА ЁШЛАР" УЧРАШУВИ



Туман ёшларининг таклиф ва муаммоларини ўрганиш мақсадида туман ҳокими З.Давлатов ёшлар билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, бандлигини таъминлаш, ўзларига муносиб касб эгаси бўлиб юртимизга фойдаси тегадиган комил инсон бўлиб етишиши учун уларга имкон қадар кўмаклашмоқда. Бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотда ёшлар томонидан оғзаки ва ёзма равишда йўлланган мурожаат ва таклифлар тингланди ва уларнинг ечими юзасидан тегишли масъулларга топшириқлар берилиб ижроси назоратга олинди.